

ХУДУД ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИКНИНГ ЎРНИ

Мадаминов Инъомжон Озодович

Тошкент гуманитар фанлар университети ўқитувчиси, PhD iomadaminov@list.ru

АННОТАЦИЯ

Тажрибадан маълумки, мамлакат иқтисодий тараққиётга эришиши учун инновацион иқтисодиётни барпо этиши зарур. Бунга эришишида инвестицияларнинг ўрни бекиёс. Чунки бугунги глобаллашув дунёсида содир бўлаётган ҳолатлар ҳар бир мамлакат иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатади. Мамлакат иқтисодиётига ушибу ҳолатлар салбий таъсир кўрсатмаслиги учун инвестицион ва инновацион фаолликни таъминлаши долзарб ҳисобланади. Айнан ушибу мақола юқоридаги масалар ечимиға бағишланган.

Калим сўзлар: инвестиция, инновация, илмий-техника тараққиёти, инновацион жараёнлар, инвестицион жараёнлар, молиялаштириш, миллий иқтисодиёт.

АННОТАЦИЯ

Из опыта известно, что для того, чтобы страна достигла экономического развития, необходимо создать инновационную экономику. Роль инвестиций в достижении этого неизмерима. Потому что события, происходящие в современном глобализированном мире, влияют на экономику каждой страны. Важно обеспечить инвестиционную и инновационную активность, чтобы эти ситуации не оказали негативного влияния на экономику страны. Данная статья посвящена решению вышеуказанных проблем.

Ключевые слова: инвестиции, инновации, научно-технические разработки, инновационные процессы, инвестиционные процессы, финансирование, национальная экономика.

ABSTRACT

It is known from experience that in order for a country to achieve economic development, it is necessary to create an innovative economy. The role of investment in achieving this is immeasurable. Because the events taking place in today's globalized world affect the economy of each country. It is important to ensure investment and innovation activity so that these situations do not have a negative impact on the country's economy. This article is devoted to solving the above problems.

Key words: investments, innovations, scientific and technical developments, innovation processes, investment processes, financing, national economy.

КИРИШ

Инновацияларни жорий этиш ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ўсишни ва бозорнинг рақобатбардошлигини таъминлашдаги муҳим омили сифатида қаралади. Бугун кўплаб давлатлар томонидан илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга катта микдорда инвестициялар йўналтирилмоқда. Чунки фаол инвестиция ва инновация сиёсати орқали худудларнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш мумкин. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Шу билан бирга “.... мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир”. Шундай экан, миллий иқтисодиётнинг инновацион ва инвестицион фаоллигини таъминлашда молия-кредит механизмининг “..энг муҳим ижтимоий-иктисодий вазифалар, тармоқ ва худудлар бўйича мақсадли дастурлар, устувор инвестиция лойиҳалари ва бошқа долзарб вазифалар бажарилишини танқидий таҳлил қилиш юзасидан амалдаги мавжуд тизим самарадорлигини оширишимиз лозим” [1].

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар негизида нафақат корхоналарда ишлатиладиган техника ва технологик жараёнларни янгилашни, балки худудларда иқтисодий юксакликка эришиш масалаларини такомиллаштириш вазифаси ётади. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда инвестицион ва инновацион фаолликни таъминлаш орқали худудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг аниқ механизмини такомиллаштириш ҳамда амалиётда қўлланиладиган айрим жиҳатларини тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Маълумки, инвестицион ва инновацион фаолликни таъминлаш орқали худудларни иқтисодий ривожлантириш масаласи бугунги қуннинг долзарб вазифалари сирасига кириб бормоқда. Бу борада хориж ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан қатор изланишлар олиб борилган. Жумладан, Й.Шумпетер инвестицион ва инновацион фаолликни таъминлаш борасида муносиб ҳисса қўшишган [2]. МДҲ иқтисодчи олимларидан В.И.Верандский ўз илмий тадқиқотларида мавзу доирасида ўрганишлар олиб боришган [3]. Шунингдек,


А.Г.Гранберг ҳудудлар турли аломатлар ва майдонлари бўйича бир-биридан фарқ қилгани учун уларни минтақаларга ажратиш зарурлигини таъкидлайди. Минтақа таркибий элементларининг яхлитлиги, ўзаро боғлиқлиги билан ажралиб турувчи маълум ҳудуддир. Мамлакат ҳудудини минтақаларга бўлиш районлаштириш [4, 43] - деб аталади. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, Ф.Б.Шакирова, Н.Рахматов, А.Мирзаев, М.Амонбоевларнинг тадқиқотларида корхоналар фаолиятини инновацион бошқариш масалаларига ургу берилган. Биз эса инвестицион ва инновацион фаолликни таъминлаш орқали ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш масалаларини ўргандик ва таҳлиллар олиб бордик.

ТАҲЛИЛИЙ НАТИЖАЛАР

Республикада сўнги йилларда хорижий давлатлар ва халқаро молия ташкилотлари раҳбарлари, жаҳоннинг етакчи ишбилиармонлари билан музокаралар ўтказилиб, мамлакатимизга бир неча ўн миллиардлаб АҚШ доллар инвестиция жалб этиш бўйича кўплаб инвестиция битимлари имзоланди. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир мамлакатнинг минтақалари иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлайдиган ишончли ўз ривожланиш стратегияси бўлиши керак. Шунинг учунн ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да айни юқоридаги масалалар белгилаб берилган эди [5]. Тажриба шуни кўрсатадики, минтақалараро иқтисодий ҳамкорлик фаолият турларини диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг замонавий шаклларини жорий этиш ҳамда маҳаллий маҳсулот ва хизматларни сотиш, хомашё сотиб олиш, мамлакатлар минтақалари ўртасида инвестиция ва меҳнат ресурслари ҳаракатида кузатиладиган тўсикларни бартараф этишга кўмаклашади. Бу орқали инвестицион ва инновацион фаоллик тамиланади ҳамда ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришга эришилади.

Давлат ва инновацион жараён иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг умумий қабул қилинган тушунчалари: учта (*отм-корхона-давлат*) ва унинг ривожланаётган модификацияси ҳамда фан-таълим ва ишлаб чиқариш (фан – таълим – бизнес – давлат – фуқаролик жамияти институтлари) моделидир.

**1-расм. Ҳудудни ривожлантиришнинг инновацион жараёни ва унинг
бизнесга таъсири [6]**



Юқоридаги 1-расмда худудни ривожлантиришнинг инновацион жараёни ва унинг бизнесга таъсирида молиялаштиришни ташкил этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича қарорлар қабул қилишда корхоналар ўз инновацион таклифлари билан чиқишилари, худуд раҳбарлари эса унинг самарадорлик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишлари шунингдек, буларни устувор лойиҳалар реестирида эътиборга олишлари керак бўлади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инвестициялар оқимини кучайтириш, фан-техника ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга кенг қўллаган ҳолда замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга қаратилган самарали ишлар жорий қилинди. Чунки Ўзбекистон Республикаси ва унинг худудларини жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Масалан, 2000-2021 йилларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини ҳам таҳлил қиласиган бўлсақ, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 2000 йилда 744,5 млрд. сўмни ташкил қиласиган. 2021 йилга келиб эса 244962,6 млрд. сўмни ташкил қиласиган. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуси эса 2000 йилда 22,9 фоизни ташкил қиласиган бўлса, 2021 йилга келиб 33,3 фоизга мос равишда ўсган. Асосий

капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улушининг энг юқори нуқтаси 2019 йилда кузатилган. Бунда унинг салмоғи ЯИМга нисбатан 37 фоизга етган, 2021 йилга келиб 3,7 фоизли пунктга пасайган.

Шунингдек, 2019-2021 йилларга мүлжалланган Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, шу жумладан қишлоқ хўжалиги, энергетика, қурилиш, таълим, соғлиқни сақлашда инновацион ва технологик ривожланишни таъминлаш ва рағбатлантириш борасида катта ютуқларга эришилди. Хусусан, Республикамиз 81 та индикатор бўйича баҳоланадиган Глобал инновацион индекси рейтингида юқори поғонага кўтарилиди. Инновация ва илм-фан соҳаларига Давлат бюджетидан ажратиладиган йиллик маблағлар ҳажми 2018 йилга нисбатан 3 бараварга оширилди. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг реал секторида илмий ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш даражаси, илм-фан, таълим ва саноат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари нисбатан паст бўлиб қолмоқда.

Умуман олганда, Республикамизда инвестицион ва инновацион фаолликни таъминлаш орқали ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришда саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш ва техник янгилашни жадаллаштириш, узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизmlарини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда инвестицион ва инновацион фаолликни таъминлаш орқали ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришда турли манбалардан жалб этилаётган инвестиция лойиҳаларини самарадорлик жиҳатларига ҳамда унинг ҳудуд ёки тармоқ ривожланишига таъсир этиш имкониятларини баҳолаш зарур бўлади.

ХУЛОСА

Бизнингча, мамлакатда инвестицион ва инновацион фаолликни таъминлаш орқали ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- ❖ ҳудудлар инвестицион жозибадорлигини ошириш;
- ❖ инновацион жараёнларни олиб борувчи малакали кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш;
- ❖ ҳудудларда инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни барпо этиш;
- ❖ мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва инфратузилмани янгилаш;
- ❖ инновацион ғоялар генерациясини амалга оширувчи аниқ чоратадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, маҳаллийлаштириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони.Т., 2017 йил 7 февраль.
2. Ш.М.Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.- 592 б.
3. Schumpeter J. Theorie der wirtschaftlichen Entwicklung – Berlin: Duncker & Humblot, 1912.; Drucker P. Innovation and Entrepreneurship. Practice and Principles. – London: Heinemann, 1984.
4. Вернадский, В. И. Биосфера и ноосфера [Текст] - М.: Айрис-пресс, 2012. - 576 с.; Шерешева, М. Ю. Соотношение понятий «информационная экономика» и «экономика знаний» [Текст] // Вестник Московского университета. Серия 6. Экономика. - 2008. – № 5. – С. 24-31.
5. Гранберг А. Г. Основы региональной экономики : учебник для вузов / А. Г. Гранберг ; Гос. ун-т, Высш. шк. экономики. - 5-е изд.. - М. : ГУ ВШЭ, 2006. - 492, [2] с.: ил.
6. Шакирова Ф. Б. Развитие экономики Узбекистана на основе инновационной деятельности. // Евразийский международный научноаналитический журнал Проблемы современной экономики, N 3 (55), 2015.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.
8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш агентлиги маълумотлари.